

## РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДЛАРИГА ИМПОРТ ҚИЛИНГАН СИММЕНТАЛ ЗОТЛИ ҚОРАМОЛЛАР

**Кошенова У.К**

*Магистр*

**Маматов Х.А**

*Доцент Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва  
биотехнологиялар университети Нукус филиали*

Мавзунинг долзарблиги. Симментал зотли моллар яхшигина бўрдоқилаш хусусиятларига эгадир: ёш молларни молхонада бўрдоқилаш даврида кунлик ўсиши 900-1000 граммни, молларнинг сўйим чиқими 56%, бўрдоқига боқилганлари 65%, гўшти ёғли, юқори калорияга эга. Симментал зотли қорамоллар дунёда кенг тарқалиши бўйича таниқли зотлар қаторига кирувчи зотлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонга голштин зотли қорамоллар 1985-1987 йилдан буён олиб келина бошланган. Бу зотли насли буқаларнинг музлатилган уруғларидан бошқа зотларни ва айниқса қора-ола зотларни такомиллаштиришда фойдаланиб келинмоқда.

Симментал зотли қорамоллар Швейцарияда яратилган бўлиб, водийнинг Симма дарёси қирғоқларида маҳаллий молларни танлаш ва жуфтлаш натижасида яратилган зотдир. Бу зотнинг яратилаши табиий тарихий шароитлар-алп тоғ ва адирларининг яйлов ўсимликларига бойлиги, шунинг билан бирга тоғ ҳудудларининг соғлом об-ҳавоси ва иқтисодий омиллар: қишлоқ хўжалиги экспортининг фақат қорамолчиликдан олинган маҳсулотлар ҳиссасига тўғри келганлиги-сут, ёғ, пишлоқ, гўшт, шунинг билан бирга насли мол сотиш зотни яратиш имкониятларини тезлаштирди.

Симментал зотли моллар крионологик классификацияси бўйича кенг пешанали моллар бўлиб, дунёда ягона ҳисобланади. Бошқа зотлардан фарқи бир қанча хўжалик фойдали белгилари яъни экстеръери ва конституцияси ҳамда ишлаб чиқариш типлари билан ажралиб туради.

Қорамоллар мустаҳкам ва баъзан дағал конституцияга эга бўлади, юқори ўсувчанлиги, мускулларининг яхши ривожланганлиги ва суяги мустаҳкам. Унинг боши катта, пешана қисми кенг; шохи оқиш ва оч сарғиш-жигарранг; бурун ойнаси оч-қизғиш рангда; бўйни калта, мускуллари яхши ривожланган; яғрини кенг, бели текис; кўкраги кенг, чуқур ва айланаси катта; елкаси, бели, сарғиси текис кенг, узун яхши ривожланган мускулларга эга; орқа қисми кенг, мусқулли узунлиги бўйича ўртача; оёқлари тўғри, олд ва орқа оёқлари қўйилиши тўғри жойлашган; елини катта, ёғли елин ҳам учрайди; териси эластик, ўртача қалинликда, баъзан тариси қалин бўлади. Симменталлар оқ

сарикдан қизил-олагача рангда бўлади, кўпгина молларга оқ сариқ (полевопестрий) тусга хосдир.

Симментал зотли сигирларнинг наслдор подалардаги сут маҳсулдорлиги 3000 кг дан 6500 кг гача етади ва айрим юқори маҳсулдор сигирлар 7000-8500 кг гача, сутдаги ёғ эса 3,75-4,3% гача. Ватанида энг зўр рекордчилари 15897 кг, Венгрияда Дама лақабли сигир 19664 кг (358 кунда) сут соғиб олинган ва кунлик соғим 70,1 кгни ташкил этган.

Симментал зотли сигирлар 525-750 кг тирик вазга эга бўлади ва баъзи сигирлар 800-900 кг тош босади. Бундай йирик танага эга сигирлар учун йил давомида юқори озиқлантириш шароитларини талаб этади, агарда озиқлантириш шароитлари меъёр даражада яратилмаса, озуқани маҳсулот билан қоплаш даражаси паст бўлади. Буқалари 900-1000 кг, баъзи наслдорлари 1300 кг гача етади. Бузоқлар туғилганда 40-46 кг, 6 ойлик ёшида урғочилари ўртача-207 кг, буқачалари-220 кг, 12 ойлик ёшида -329 кг, буқачалари -393 кг тирик вазга эга бўлади.

Тадқиқотларда наслчилик фермер хўжаликлари шароитида соф зотли урчитишда турли селекциядаги жаҳон генофондига хос турли селекциядаги голштин ва симментал зотли наслдор буқалардан олинган сигирларнинг турли лактацияларда сут маҳсулдорлик хусусиятлари ўрганилиб баҳоланади;

Тадқиқотларда турли селекциядаги голштин ва симментал зотли наслдор буқалардан олиниб етиштирилган сигирлар ва улар авлодларидан сутбоп подаларда фойдаланиш самарали эканлиги аниқланади.



(1-расм. Симментал зотли қорамолларни озиқлантириш жараёни)

Хулоса. Симментал зотли қорамоллар кейинги йилларда Республикамизга энг кўп импорт қилинаётган зотлар ҳисобланиб, улар хориждан олиб келиш даражаси бўйича биринчи ўринларни эгаллайди. Симментал зотли сигирлар эса ташқи муҳим шароитларига чидамлилиги ҳамда бир вақтнинг ўзида ҳам гўшт,

ҳам сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари билан тавсифланадилар. Республикамизнинг жанубий ҳудудларида турли селекцияга мансуб симментал зотли сигирлар ва улар авлодларининг маҳсулдорлик сифатларини ўрганиш, қорамолчиликда муҳим амалий аҳамият касб этади ва юқори самарадорликни белгилайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Кахаров А.К. Қорамолларнинг эталогик кўрсаткичлари ва унинг маҳсулдорлик билан боғликлиги. Зооветеринария. 2009. №6.26-29 б.
2. Носиров У.Н. Қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлик потенциалидан фойдаланиш самараси. // Зооветеринария. 2009.№4. 29-31 б.
3. Сельцов В.И., Кожухов Д.А. Совершенствование симментальской породы методом возвратного скрещивания // Зоотехния. 2005. №8. С. 2-5.